

Мажлиса Президент Фармонлари ва Вазирлар Маъкамасининг тегишли қарорлари таъабларидан келиб чиққан ҳолда комиссия ва унинг ҳудудий комиссиялари томонидан вазирлик ва идораларнинг умумий дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш ва муддатни ўтган қарздорликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Комиссия мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идора ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари раҳбарлари билан биргаликда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар аҳволини ҳар ҳафтада таҳлил қилиб, таҳлил натижалари асосида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида жойида тезкор зарур чора-тадбирларни амалга оширди. Ҳудудларда ягона молия-ҳисоб-китоб кунлари ўтказиш йўли билан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан бюджетга тўловлар бўйича қарзларни тўлаш ва ўзара қарзларнинг олдини олишга қаратилган тижорат банкларининг мақсади кредитлари ва факторинг хизматларидан фойдаланган ҳолда мақсадли схемаларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси сези-

Комиссия мажлиси

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиянинг йилги мажлиси бўлиб ўтди.
Уни мазкур кичик комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

ларли даражада оширилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида муддатли ўтган дебиторлик қарзларининг белгиланган муддатларга камайtirилишини таъминлаган, тўловга қобилиятсиз, муддатли ўтган қарзларнинг ўсишига йўл қўйган ва олдиндан тўловларсиз маҳсулот жўнатган ва хизмат кўрсатган жами 180 та хўжалик субъектлари бўйича материаллар кичик комиссия томонидан прокуратура органларига тақдим этилганлиги қайд этилди.

Прокуратура идоралари томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган тегишли ишлар натижасига кўра, 162 та ҳолат юзасидан жиноий, 2300 та ҳолат юза-

сидан маъмурий, 397 та ҳолат юзасидан интизомий, 41 та ҳолат юзасидан моддий жавобгарлик қоралари қўрилди ва жами 14 миллиард сўмлик қарзларни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, комиссия томонидан узоқ муддатли дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, банкротлик аломатларига эга бўлган ва тўлов қобилиятини йўқотган 210 та хўжалик субъекти бўйича ҳужжатлар Иқтисодий оқибат қорхоналар ишлари қўмитасига тақдим этилгани таъкидланди.

Амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Давлат статистика департаменти

маълумотига кўра, мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идораларда муддатли ўтган дебиторлик қарзлар 2000 йил 1 ноябр ҳолатига келиб дияри тугатилди.

Ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига дебиторлик-кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган корхона ва ташкилотларда уни 1 январга қалар узили-кесил тугатилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш, хусусан, ҳудудларда аҳолининг электр энергия, газ, сув ва бошқа коммунал хизматлари бўйича қарзларини ундириш, амалиёт тариқасида ўрнатилган ҳудудлар ва тижорат банк бўлимига миқёсда ягона молия-ҳисоб-китоб кунлари ўтказиш йўли билан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан бюджетга тўловлар бўйича қарзларни тўлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада қучайтириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг олдини олишга қаратилган тижорат банклари ва факторинг хизматлари билан фойдаланган ҳолда мақсадли схемаларни ишлаб чиқишни қўлайитириш каби вазифалар топширилди.

Мажлисада қўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(УЗА)

Фермерлик шаънига доғ туширманг

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатга маҳсулот топшириш режалари, тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномалар учун қоғоздаги маълумотлар асос қилиб олинган. Йил бошидан етиштирилаётган ҳосил ҳисобига давлатдан аванс маблағи ҳам олинган. Кузга келиб йўқ даладан ҳосил олиш иложи бўлмагач, табиийки режалар аро йўлда қолиб кетди.

Тумандаги 466 та фермер хўжалиги қайта ишлаш корхонаси билан 23815 тонна пахта етиштириб бериш бўйича шартнома имзолади. Амалда эса 14060 тонна хомашё топширилиб, белгиланган режа 59 фоизда қолиб кетди. Баъзи фермерлар ишни шу даражада чигаллаштиришганки, уларнинг фаолиятига эгри ишларни қўриб, кўзи пишиб кетган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ҳолимлари ҳам баҳо беролмасалар керак, деган ҳаёлга борамиз. «Булоқбоси» фермер хўжалиги 136 тонна, «Азизой» фермер хўжалиги 72 тонна пахта етказиб бериш тўғрисида қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тўзган. Ҳақиқатдач? Бир килограмм ҳам хомашё топширмаган.


Зафаробод туманида 507 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар ихтиёридаги экин майдони 12696 гектарни ташкил қилади. Ҳақиқий аҳвол ҳисобот билан солиштириб қўрилганда пахта 3,5 гектар, ғалла 5 гектар, дон учун макка 53 гектар кам экилганлиги, полиз 17 гектарга қўп экилганлиги маълум бўлди. 484 фермер хўжалиги қайта ишлаш корхонасига 18677 тонна пахта етказиб бериш бўйича шартнома тўзган, лекин амалда 13013 тонна хомашё тайёрланган, ёки режа 69 фоизга уйдаланган. «Мурод-Марат» фермер хўжалиги эса шартномадаги 44 тонна ўрнига бор-йўғи 1,6 тонна хомашё тайёрлаган ҳолос. «Богбон», «Нисэхон», «Миржалол»

фермер хўжаликларининг ғалла сотиш тўғрисидаги шартномалари қоғозда қолиб кетди.

Сирдарё вилоятида ҳам бу борадаги аҳвол дуруст эмас. Кўпчилик фермерлар мазсулиятни, шартномадаги жавобгарлиқни ҳис қил-

маган.

Худди шундай аҳволни Шароф Рашидов туманида ҳам кўриш мумкин. 281 фермер хўжалиги бўлиб, улар ихтиёрида 14607 гектар ер мавжуд. Экин майдонлари текшириб қўрилганда пахта 87 гектар, ғалла 98 гектарга



масдан ўзларига бириктирилган ерларга пахта, ғалла ўрнига бозорбоқ маҳсулот беришчи экинлар экиб, шахсий манфаатларини қўзлаган. Биз уларни ҳақиқий бўй деб олаймиз. Масалан, Булерино туманида 493 фермер 13605 гектар ер ажратилган. Текшириб қўрилганда шולי 60 гектар, сабзавот 38 гектарга қўп экилганлиги, 16 гектар ғалла камлиги аниқланди. 336 фермер хўжалиги 21053 тонна пахта тайёрлаш бўйича шартнома тўзган. Режа 63 фоизга бажарилган. «Мурод», «Обил ота», «Тошбой ота» фермер хўжаликларидан эса шартнома бўйича пахта тўзган. Режа 63 фоизга бажарилган. «Мурод», «Обил ота», «Тошбой ота» фермер хўжаликларидан эса шартнома бўйича пахта тўзган. Режа 63 фоизга бажарилган. «Мурод», «Обил ота», «Тошбой ота» фермер хўжаликларидан эса шартнома бўйича пахта тўзган. Режа 63 фоизга бажарилган.

кам, полиз 47 гектар, шולי 7 гектарга қўп экилганлиги аниқланди. «Миришкор» фермер хўжалиги 28 гектар ерга пахта ўрнига бошқа экин эккан. Қизик, «Юлдуз-2», «Бехозод» фермер хўжаликлари эса ғалла етиштириш бўйича бюртмаси, шартномаси бўла туриб, умуман қабул пунктга маҳсулот топширмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Самарқанд вилоятидаги баъзи фермерлар ҳам шартнома шартларига амал қилишмаган. Фермерлар 24,8 минг тонна пахта, 27,7 минг тонна ғалла, 40 тонна пилла, 11,7 тонна сабзавот, 926 тонна мewa, 1305 тонна узумни тайёрлов идораларига сотиш бўйича шартнома тўзган. Лекин афсуски, вилоят фермерлари бирор соҳа бўйича шартнома режаларини уйдалашмаган. Пахта 65,6 фоиз, ғалла 88 фоиз, картошка 15 фоиз, полиз 8 фоиз, мewa 36,3 фоиз, узум 13,4 фоиз, сабзавот 17,2 фоизга уйдаланган.

Пахтачи туманидаги мавжуд 470 фермер хўжалигига 1902 гектар ер ажратилган. Бу ерда экин майдонларини ҳисоботдан яшириш, пахта ва ғалла ўрнига бошқа экинлар экиш оддий ҳолга айланган. «Барот» фермер хўжалигида экин майдонининг 0,13 гектарига уй қуриб олинганлигини қандай тушуниш мумкин? Тумандаги «Чашма» фермер хўжалигининг 15 тонна, «Мустақил» фермер хўжалигининг 6 тонна пахта топшириш бўйича шартномаси бўла туриб, давлатга бир килограмм ҳам хомашё сотмаган. Эзгу ниятлар билан «XXI аср» деб номланган фермер хўжалиги шартномадаги 18 тонна пахтани умуман топширмаган. Пастдарғон туманидаги «Дехқонobod», «Нодир», «Шоққос бобо», «Олмос», «Мурод» фермер хўжаликлари экин майдонларини ҳисоботдан яширишган. Бундай салбий ҳолатлар вилоятдаги барча туманларда борлиги аниқланди. Булугур туманидаги «Эшқувват бобо» — 1,1 гектар, «Довур бобо» — 1,6 гектар, «Қоратеп» — 1,1 гектар, «Умиров» — 1 гектар, «Миробод» — 0,5 гектар, «Қаршиев» фермер хўжалиги 0,3 гектар майдондан бошқа мақсадларда фойдаланганлиги учун ердан маҳрум бўлдилар.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Хўш, неча шундай бўлмоқда? Нима учун қонунларимиз ишламаяпти? Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз фермерларнинг самарали фаолият юритишлари учун тинмай гамҳўрлик кўрсатмоқда. Улар йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда матбуот ҳам четда тургани йўқ. Жойларда эса юқоридagi каби салбий ҳоллар рўй берапти. Албатта, бу хил ҳолатларни қоралаш оson. Лекин ҳужаляри юритишини қайси уринларидан хатога йўл қўямиз, нега ишхоналарнинг ишончли маролаҳида қусурлар учраяпти? Бу масалалар юзасидан ҳаммамиз жиддий уйлаб қўришимиз, мавжуд аҳволни пухта таҳлил қилиб, тўғри ҳулоса чиқариб олишимиз лозим.

Адлия вазирлигида кўп тармоқли агросаноат биржаси тизимига кирувчи «Бухоро агросаноат биржаси» рўйхатга олинди. Шу тариқа Бухоро вилоятидаги биржа қорни яна биттага қўйди.

Йилги биржа низомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ундан қайта ишланган маҳсулотни сотиш, деҳқон ва фермер хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни зарур хомашё, материаллар, техникалар, ускуналар, кичик технологиялар ва

Бухорода биржа иш бошлади

халқ эҳтиёжи моллари билан таъминлаш агросаноат биржасининг асосий йўналишлари сифатида қайд этилган.

Товарларни экспортга легитим маблағга сотиш ва сотиб олиш, уларнинг импорт бўйича ҳисоб (клиринг) палатаси орқали валютасиз олди-сотқисини ташкил этиш, кўчмас мулк операцияларини ўтказиш,

фьючерс ва форвард шартномаларини тузиш ишлари билан шуғулланиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги биржа бозор тузилмалари ўртасида рақобатни қучайтирди. Бу эса нафақат Бухоро вилояти, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам фойда қилди.

Илҳом САФАР,
ЎЗА мухбири.

Хиндистон пойтахти Дехлида бошлар ихтиёридаги «Шанкар» халқаро танлов бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг қўлаб мамлакатлари, жумладан, ўзбекистонлик ёш рассомларнинг турли мавзуда яратилган ранг-баранг асарлари намойиш этилди.

Халқаро танлов совриндорлари

Куни кеча халқаро танлов ташкилий қўмитасидан юртимизга хушxabар келди. Унда маълум қилинишича, Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари, мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган бир қанча кўргазма, танловларнинг қатнашчиси Аҳмад Хуроанининг «Олтин дўппи», Нурхон Зейнонованинг «Олимпиада қиз» расмлари «Шанкар-2000» халқаро танловининг Жаҳоҳарда Неру олтин медали билан тақдирланган. Лицейнинг яна уч ўқувчиси — Бобур Раҳмонов, Мария Курпирянова, Зарина Гисматуллина эса «Мустақиллик», «Байрам», «Биринчи қўнғирок» асарлари учун халқаро танлов совриндори бўлган.

(УЗА)

Мустақиллик боғи

Бахмал туманидаги «Сангзор» ширкат хўжалигининг Қора қишлоқ масканда ишончи Жуман Нуримов ўтган йили шахсий жамғармасидан 380 минг сўмини сарфлаб, Сангзор дарёсига кўприк қурган. Энди Жуман ака Сангзор дарёсининг сувини ўз оқими бўйлаб, далами майдонларга чиқарди. 20 гектар ерини суғориш учун

тайёрлаб, турли хил мевали дарахтар — олма, ёнғок, пахта, бодом қўчаларини экиди. Сув кўп тўпланган жойларни теракзорларга айлантирди. Бу гўшага мустақиллик боғи деб ном берилди.

Саховатли инсон савобли ишларни давом эттириш ниятида тоғ ён бағирларидан 100 гектар ерини мездорларга, узумзорларга айлан-

тирмоқчи. Шу мақсадга ўз фарзандлари, оғайнилари кўмагида 6 километр узунликдаги канални қазиди. Унинг суви билан 300 гектар майдонни суғорса бўлади. Қишда ва баҳорда самарасиз оқиб кетадиган обди ҳаёт энди Жуман Нуримов яратган боғни яшнатади.

Пардабой ТОЖИБОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 19 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия долларини	175,38
1 Австрия шиллинги	21,01
1 Англия фунт стерлинги	476,90
1 Бельгия франки	71,67
1 Голландия гульдени	131,20
1 Греция драхмаси	8,49
1 Дания крониси	38,77
1 БАА дирхами	87,89
1 АКШ доллари	322,80
1 Миср фунти	84,06
10 Испания песети	17,38
100 Италия лираси	14,93
1 Канада доллари	212,27
1 Ҳангوى юани	39,00
10 Люксембург франки	71,67
1 Малайзия ринггити	84,96
1 Германия маркиси	147,83
1 Польша злотийиси	74,54
1 СДР	417,94
1000 Туркия лираси	0,48
1 Финляндия маркиси	48,53
1 Франция франки	44,98
1 Швейцария франки	192,25
1 ЕВРО	289,13
10 Жанубий Корея вони	2,68
10 Япония итпаси	28,69
1 Россия рубли	11,54
1 Украина гривнаси	59,38

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАРИМА — ЭНГ СҮНГГИ ЧОРА

2000 йил 14 августдаги 318-сонли қарорда ушбу масалага оид молиявий жарима (санкция)ларнинг миқдори ва уларни тўлаш тартиби белгиланган. Қарорга асосан 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб мутасадди ташкилотлар томонидан республикадаги алоқа корхоналарининг иш мароми ва сифати, уларнинг моддий жавобгарлик даражаси янги талаблар асосида қайтадан қўриб чиқилмоқда. Почта ва телекоммуникация хизмати соҳасидаги текширишларни тартибга солиш, белгиланган меъриёри ва стандарт талабларига риоя этилишини таъминлаш Давлат алоқа инспекцияси (ДАИ) зиммасига юклатилди.

Бизнинг суҳбатдошимиз — Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи **Муборак РУСТАМОВА**.

— Аввало шунини таъкидлаб ўтқучиманки, Вазирлар Маъкамасининг юқоридан тилга олинган санкциялашга оид қарори эълон қилиниши муносабатин билан алоқа хизмати соҳасидаги мавжуд аҳвол, корхона ва ташкилотларнинг меъриёри ҳужжатлар билан таъминлиши, уларнинг амалдаги ижроси, фуқароларнинг хизмат маданияти, белгиланган стандартлар ва талабларга риоя этилишига оид фикр-мулоҳазалари атрофида ўрганиб чиқилди. Хулоса равшан: тармоқ фаолиятида ҳали кўпгина нуқсонлар мавжуд, уларни бартараф этиш учун собитқадимлик билан иш олиб бериш лозим. Буни тушуна бўлади.

Зотан алоқа хизматидаги тақомиллаштириш асосий мақсадимиздир. Гап жарима белгилаш устида кетадиган экан, бунда, аввало, алоқа корхоналаридаги мавжуд иқтисодий аҳвол, хизмат маданиятининг яхшилашга муволажалланганлиги, технологиялар амалиётга қай даражада жорий этилаётганлиги ва ҳақоза тайёинлар ҳисобига олини-

ши керак. Янги жарима миқдорини аниқлашда бажарилаётган ишларнинг қийсий манзарасини чуқурроқ ва атрофида ўрганиш мумкин аҳамиятга эгадир.

Ушбу масалада бир ёқдамаликка йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Чунки санкциялаш чораси, биринчи навбатда, жамоанинг иқтисодий манфаатлари ҳисобига амалга оширилади ва умумий даромадга зиён етказиши. Шундай экан, ҳар бир алоқа корхонаси замон талаблари даражасида иш юри-тиш, хизмат маданиятини ошириш ҳисобига жарималар миқдорини камайитириш омилларини излаш лозим.

Жарима, санкциялаш асосий мақсад эмас, балки мавжуд меъриёри талабларга тўла риоя этилишини таъминлашга қаратилган иқтисодий чоралар.

— Муборак Хошимовна, марҳамат, санкцияланган янги тартиб ҳақида кенгроқ тўхталсангиз. Чунки бу газетхоналаримиз учун жуда муҳим.

Вазирлар Маъкамасининг юқоридан тилга олинган қарориди меъриёри ақтар, давлат ва тармоқ стандартлари, таклиф қилинган алоқа хизматлари соҳасида йўл қўйилган нуқсонлар учун иқтисодий санкцияларнинг амалдаги тартиби белгиланган. Бу ишнинг асосини ДАИ, яъни хўжалик субъектлари ҳисобланган почта ва телекоммуникациялар соҳасида давлат назоратини олиб боруучи бизнинг ташкилотимиз амалга оширади. Ҳисоб-китоблар ҳар чоракка ягона кўрсаткичлар тизими бўйича ўтказилиб, бунда техник параметрлар, техник фойдаланиш қондалари, почта ва телекоммуникация соҳасидаги қонқирасиз ишлар ҳамда

сифатсиз хизматлар биринчи навбатда эътиборга олиниши лозим. Табиий оғат ёки факулда ҳолатлар билан боғлиқ техник нуқсонлар бундан мустасно. Тегишли давлат идоралари томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар, статистик маълумотлар санкция чорасини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Санкциялашдан тушган маблағ уша корхоналар (яқна шахс-лор) томонидан Почта ва телеком-

муникация тармоқларини ривожлантириши қўлаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

— Менимча, бу ўринда яна бир жиҳатни назардан қочирмаслик лозим. Баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари жарима тўлашдан қочиб, статистик маълумотларда тегишли иқтисодий кўрсаткичларни тўла қайта эмасликлари ёки уларни тўғридан-тўғри «четлаб» ўттирилган ҳам мумкин. Бундай пайтда қандай йўл тутилиши?

— Мулоҳазасизда жон бор. Вазирлар Маъкамасининг қарориди юқоридаги ҳолатлар ҳам ҳисобга олинган. Аввало шунини айтиш керакки, Давлат алоқа инспекцияси тақдим этилган ҳисоботларнинг тўғри ва ҳаққонийлигини текшириб қўриш, иқтисодий санкция тўловлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш учун тўла масъуладир. Санкцияланган маблағлар ДАИ томонидан икки ҳафталик мудат ичида Почта ва телекоммуникациялар жамғармаси ҳисобига ўтказиб берилади. Агар тақиқилган иқтисодий жиҳатдан жарима суммасини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, демак, у банкротлик ҳисобига келиб қолган. Жамғарма санкцияланган маблағни тўлаш

гича қолаётганлиги, автоматик чақурув ва гаплашув тизимида йўл қўйилаётган нуқсонлар, алоқа корхонаси айби билан гоҳо суллашувларнинг охирига етмай узилиб қолиши ва ҳоказолар кишида ташвиш уйғотади.

Яширининг ҳолати йўқ; ҳаво кабелига уланган каналлар, шунингдек, радиорелье ва йўлдош алоқа тизимларининг «буш» туриб қолиш ҳолатлари мавжуд. Маҳаллий телефон тармоқлари ва таксофонлардаги носозликлар, радиоэшиттиришлар ҳамда телевизион кўрсатуларнинг «суғий» равишда узилиб туриши — булар бизни ўйлантираётган жиддий муаммолар. Вақтдан вақтларга буна ўтказиш ва уларни ўз муддатига эларига етказиш борасида ҳам талаб нуқсонлар мавжудки, бунга қатъий барҳам бермай туриб иш сифати ва хизмат маданиятини ошириб бўлмайди.

Нижоят, яна бир гап. Алоқа корхонаси томонидан кўрсатилган сифатсиз хизмат учун шикоятларни назарда тутган ҳолда жарима белгилаш тартиби жорий этилган. Йўл қўйилган нуқсонга қараб, минимал иш ҳақининг 0,1 фоизидан 10 ва 11 фоизгача жарима белгила-навланини эслашиб ўтқочимиз.

Иш ва хизматлар сифати учун қаръяти билан кураш олиб бориш ҳам экан бу ҳол пироварида уша корхоналарнинг молиявий аҳволига жиддий путур етказиши мумкин. Шундай экан, почта ва алоқа корхоналари жамоаларига мурожаат қилиб, уларни миқдорларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатиш учун бира имкониятлардан фойдаланишга чақирамиз.

Чунки ёмон алоқа хизмати учун, энг аввало, алоқачиларнинг ўзлари жабр қўриладилар. Бу ҳол даромадга салбий таъсир кўрсатади.

ДАИ ҳодимлари фаолиятига келсак, улар ўз бурчларини ҳалол оло этиш учун куч-ғайратларини аямалдиладар. Алоқа корхоналарига услубий, профессионал ёрдам кўрсатиш билан бирга, мавжуд камчилик ва нуқсонларга қарши изчил кураш олиб борилади, лозим бўлса, янча қаттиқроқ санкция чоралари қўлланилади. Токи миқдорларимиз почта ва алоқа хизмати сифатида тўла қонқирасиз ҳисоб қилинади.

А.КУДИНОВ
Эзиб олди.

Кўш хабар

Йирик педагогик тадқиқотлар



Ўзбекистон Фан ва техника давлат кўмитаси режаси бўйича педагогика фанига доир йирик илмий тадқиқотлар олиб борилаётганда. Шулардан 15 га яқини Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти томонидан амалга оширилмапти.

«Миллий мафкура»нинг шаклланиш жараёнида ўзбек халқининг маънавий мероси ҳамда таълимнинг жаҳон тажрибасидан Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълими тизимида

фойдаланиш», «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда ёш авлоднинг маънавий-руҳаний шаклланиш тадқиқотлари» каби муаммолар устидagi иланишлар яқиний натижалар берди.

Педагог олимлар йирик китоблар устида самарали иш олиб бориб, бир нечтасини нашрийётга топширдилар.

Ўзбекистонда илк бор босмага тайёрланаётган уч жилдан иборат «Педагогика» дарслиги олимларнинг кўпийлик тадқиқотлари натижаси бўлиши кутилмоқда.

Икки жилдан иборат «Педагогика энциклопедияси» ҳам институт олимларининг кейинги йиллардаги жиддий иланишлари натижаси бўлади.

Халқаро жамиятнинг янги аъзоси



Европа Иттифоқи комиссияси раҳнаомалигида тузилган халқаро таълим жамияти шу яқин вақтгача Буюк Британия, Руминия, Австрия ва Франциядаги жами 8 та мактабни ўз атрофида бирлаштирган эди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг республика гимназияси ҳам бу пуфузли

жамиятга тўғрисидаги билим даргоҳи бўлиб қўшилди.

Бу хайрат ишнинг дебюти сифатида гимназиянинг 17 нафар юқори синф ўқувчиси Чехияда сафарда бўлди. Махсус тест сновидан яхши ўтиб, бу мамлакатга бориш ҳуқуқини бўла киритган толиби намлар машҳур Карлово Вари оромгоҳини бориб кўрдилар.

Акбар АЛИЕВ.

Маълумки, Корея Республикаси тараққий этган давлатлардан ҳисобланади. Бу тақомиллашувда Таълим соҳасидаги ислохотларнинг ҳам самарали ўрни борлиги маълум. Шу боисдан яқинда бир гуруҳ олий таълим мутахассислари «Устоз» жамғармаси кўмағида ана шу мамлакат олий ўқув юрталарига тажриба алмашиш мақсадида сафарда бўлдилар.

Тошкент кимё-технология институти ректори, академик Нусрат Парпиев ҳам ана шу гуруҳ таркибиди эди.

Олий таълим: ҳамкорлик кирралари

олиб борилаётган ишлар ўрнатилди. «Бизнес инкубатор» ушбу университетда олиб бориладиган ва олиб борилаётган тадқиқот ишларини ҳаётга талбиқ қилиш, янги тадқиқот ишларини олиб бориш, регионал ва маҳаллий саноатни ривожлантириш, талабалар ички потенциалнинг тўлиқ

Бир корейс йиғит ўқиш даврида корхона ташкил қилибди. Ҳозирда 15 та корхонани бирлаштириб, компания тузилибди. Компаниянинг 5 фоиз акцияси университетники. Бунга жуда кўп мисол келтириш мумкин. Улар университетга катта фойда келтиради. Университетни дунёдаги энг



Ёз ғамини қишда еб...

Қарши туманидаги Яхши Омонов помли ширкат хўжалиги вилоятда намунали хўжалик сифатида ажралиб туради. Бу йил хўжаликда режадаги 4850 тонна ёнғунга 5400 тонна пахта йиғиштириб олинди. Мавжуд 1620 гектар майдон сифатли шудгорлаб қўйилди.

Айни кунларда хўжаликдаги 44 та ишлов тракторидан 32 таси, 16 та чигит экниш сеякаси, 6 та кенг базисли ер текислаш механизми, 60 комплект борона таъмирланиб, келгуси навсар ишларига шайлаб қўйилди. Ҳозир 12 нафар уста икки бригадага бўлиниб, дон ўриш комбайнларини таъмирлаш билан машғул.



СУРАТЛАРДА: таъмирдан чиққан техникалар; таъмирчи-уста Асад Бўронов.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

МАЪРУЗАЧИНИ ТАЛАБА ТАҲЛАЙДИ

— Корея дорилфунунларининг 70 фоизини хусусий университетлар ташкил қиларкан, — деди Н. Парпиев суҳбатимиз аввалида. — Биз асосан Хосею хусусий университетда бўлидик. Ушбу талабалар шажарасидан иборат. Шунингдек, қайси фаннинг ким томонидан ўқиши талабаларга 3 ой олдин эълон қилинади ва фаннинг аҳамияти тўғрисида талабаларга маълумот берилади. Маърузачи томонидан «Интернет» орқали маълумот берилди, тезис 2-3 ой олдин талабаларга етказилди. Дарвоқе, талабаларнинг деярли ҳаммасининг компьютерлари бор. Талабалар ётқонхонада ҳам ҳар 4 талаба учун 1 та компьютер ажратилган. Дарс ўтиши керак бўлган хоналар, адабиётлар, ўқув жиҳозлари маърузачи томонидан аниқланади. Талаба ўзига маълум қилган маълумотни буюкун семестр давомида ишлайди. Ҳар ҳафтада 18 соат дарс. Бундан 9 соатини ўқитувчи ўтади. Қолган соатларда талабалар ўзлари билим оладилар. Ўқитувчилар йўллама беради, холос. Шунинг мануният билан айтмоқчимизки, ҳозирда биз бу усулнинг институтиимизнинг 1-курс талабаларига тажриба сифатида жорий қилмоқчимиз.

Корея Бизнес инкубатор асошиациясининг бошлиғи профессор Ким Хонг билан бўлган учрашув, айниқса, менда катта таассурот қолдириди. Хосею университетда «Бизнес инкубатор» (БИ) йўналиши бўйича

очилишига кўмаклашиш ва уларни бизнесга, кўпроқ саноат бизнесига ўргатишга кўмаклашади. БИ раҳбарияти томонидан тадқиқот олиб бораётган талабаларга олий бораётган профессорлар қатнашади, уларга ҳам кўшимча ҳақ тўланади. Бизнес инкубатор талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан тўлдириб боришни таъминлайди.

— Кириш имтиҳонлари қандай ташкил қилинади?

— Кириш имтиҳонлари бизникидан анча фарқ қилади. Билсангиз керак, Кореяда мактаблар 12 йиллик. Мактабнинг охириги синфида ўқётган ўқувчилардан университет йил давомида танлов ўтказиб талабалikka қабул қилади. Бунда яхши фикрловчи, иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор берилади. Ва яна умумий қабул тизими орқали, яъни, Давлат имтиҳонлари танлаб орқали талабалikka танлаб олинади. Абитурient бир неча мутахассисликка эга бўлган факультетга қабул қилинади. Талаба 1-курс ёки 2-курснинг охирида ўз мутахассислигини ташлайди ва иккитадан кўп мутахассисликнинг тартиб бўйича белгиланган ҳужжатни тўлдириб университетга топширади. Факультетнинг маълум бир ихтисослигига талаба олиб кетса, раҳбарият талабаларнинг олиндириги семестрдаги баҳоаси, амалиёт баҳоасини кўриб, бир қисм талабаларни бошқа мутахассисликка ўтказиши мумкин.

Талабалар инглиз тилини ва компьютер бошқаришни мукамал билишлари шарт. Шунингдек, улар таълим муддати ичида Venture мутахассислиги курсини ўташи мумкин. Ва унга корхона ташкил этиш учун профессор маслаҳатига кўра таъминот берилади.

бор кўрасади. Ҳозирги кунда ҳар 80 талаба учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилмоқда.

— Кореядаги давлатга қаршли ва хусусий университетларнинг молиявий бошқарувида ўзига хослик ҳақида ҳам тўхтайсангиз.

— Асосий фарқ давлатнинг ҳомийлик даражасида. Яъни, давлат университетларининг таълим харажатларининг 57,5 фоизини давлат таъминоти ташкил қилади, қолган 42,5 фоизи талабалар тўлови ва ҳомийлар ёрдами асосида тўлдирилади. Хусусий университетларда, хусусан, Хосеюда таълим харажатининг таркибий қисми асосан бошқарув кирими, капитал ва кредит кирими ва энг асосийси, таълим тўловидир. У таълим кирим миқдорининг 61,8 фоизини ташкил қилади.

Бир талаба учун таълим тўлови Кореядаги ўртача ойлик маошдан олинган бир йиллик даромадининг 30-35 фоизини ташкил қилади.

Хусусий университетлар асосан талабаларнинг тўловига суянади. Давлат таъминоти атиги 3,5 фоизни ташкил қилади. Ҳомийларнинг совғаси давлат университетларида 38,1 фоиз бўлса, хусусий университетларда 7,7 фоиз.

Сўхбатни Дилбар ТУРҲУНОВА ёзиб олди.

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА НОЁБ ИМКОНИЯТНИ —
ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ БЎЛГАН
СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ
БЕПУЛ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ҳисобварағи қаерда очилганидан қатъи назар, сўм карточкаси ёрдамида бизнинг исталган муассасамизда банкоматдан ҳам, кассадан ҳам нақд пул олишингиз мумкин.

«Шарқ-Мир», «Тижорат» супермаркетларида ва Нукус аэропортида ҳам банкоматлар ўрнатилган.

Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компанияларида, авиа ва темир йўл кассаларида сўм карточкалари товарлар ва хизмат ҳақини тўлаш учун қабул қилинади;

сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва соғлиқни беғул суғурталаш имкони берилади.

карточка эгаларига йилига 36% фойда тўланадиган омонат очилади, ҳар ойда капиталлаштириш эвазига эса пулларингиз йилига 42,6% кўпаяди.



Айни вақтда банк шуни маълум қиладики, «Ўзмиллийбанк» пластик карточкалари бошқа турлари бўйича воситачилик мукофотлари тарифлари ўзгартирилган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақланиши ва даромадлилигига кафолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 137-62-80, 34-31-53.

Спорт

Темур чемпион бўлмоқчи

Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юртининг клубида курсант Темур Алимухамедовни кутлашмоқда.

Урта бўй, қотмагина, чекрасида ҳали ҳам болаларча хос содалик сезилиб турган бу йигит, бир қарашда, жаҳон чемпионатида совриндор бўлганлигига ишонмайсиз.

Чемпионатда жаҳоннинг 28 мамлакатидан курашчилар иштирок этишди. Ғолиблик шоху-пасига кўтарилиш учун кураш қаттиқ кечди.

Финалда Польша ва Беларусь спортчилари билан учрашди. Ҳикоя қилади Алимухамедов.

Польшалик рақибимни енгим. Лекин иккинчи кураш мураккаб бўлди. Беларусь спортчисининг жанг тактикаси зўр экан. Бронза учун бўлғуси рақибларим билан куч синашдим.

Темур чегара шаҳри — Термизда туғилиб ўсди. Шу маънода у нега айнан чегарачилар олий ҳарбий билим юртини танлагани тушунарли.

Уқини тугатиб, жанговар тайёргарлик бўйича офицер бўлиб етишаман.

тининг бронза совриндорига ҳарбий билим юртида бирор имтиёз берилмайди.

Аксинча, меннинг спортдаги довруғим бошқалардан кўра яхшироқ ўқишга ундайди.

Курсантлар орасида совриндорнинг издорини из қўлайиб бора-япти. У унга яқин йигит «муай-тай» кураш техникаси этилган кўмаклашиб, алоҳида машғулотлар ўқата-япти.

Нима учун айнан курашнинг бу усулини танладимиз? — сўрадим Алимухамедовдан. — Аввалига бокс билан шуғулландим. Кейин шу турни танладим.

«Муай-тай»ни таиланд бокси деса бўлади. Шу боис курсант Темур Алимухамедов келгуси йил май ойида Таиландда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш орузида машқларга зўр бермоқда.

Ниятим, ўз вази гуруҳида жаҳон чемпиони бўлиш, жонажон Ўзбекистонимиз байроғини юқори кўтариш. Менинг исми — Темур. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз жасоратлари билан жаҳонни дол қолдирган, мен спортда ўз чўққимни эгаллаш-шим керак.



Майор Шоёнбек КАРИМБОВЕВ

«ФАЙЗ»


холдинг компанияси

Азиз ва қадрли юртдошлар!

Сизларни кириб келаётган 2001 йил ва янги XXI аср билан чин қалбдан қутлаймиз.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва ишларингизда ривож тилаб қоламиз. Ҳеч қачон омад сизларни тарк этмасин!

Компаниямиз байрам муносабати билан 2000 йил 1 декабрдан 31 декабргача ўз маҳсулотларини 5% дан 20% гача арзонлаштиришга қарор қилди.



Хикмат Бириккан куч — куч, бирикмаган куч — дуч

Бобо чирогини ёққан невар

Унинг бобоси Солиқ қилголда Усмон мингбоши деб ном чикарган ажойиб киши эди.

Умида ўз бобосининг маърифатларини англаш, унинг руҳини шод этиб, чироқларини эҳтишга азму қарор қилди.

Шаҳар халқ маориф бўлими олов қалб, изланувчан, ташаббускор бу муаллими шаҳардаги энг қоқоқ ҳисобланган келган рус ва ўзбек тилларидан ўқитилган умумий таълим мактабига раҳбар қилиб юборди.

Илим ва маърифат шайдоси бўлган Умида Усмонова бу шарофатга эришган эди.

Янги ўқув йилининг иккинчи ойида бу таниш мактабга бордим.

Сарфланди. Марказда ўрнатилган энг замонавий ускуна ва жиҳозлар қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг.

Бундан бир неча кун аввал дастлабки беморларни қабул қилган «Она ва бола скрининг» тиббий марказида яратилган қулайликлардан ҳамма хурсанд.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарорига мувофиқ...

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасига қарашли Тупроқшунослик ва агроқимё илмий-тадқиқот давлат институти жамоаси бўлим мудирини...

Урмон хўжалиги бош бошқармаси раҳбарини Сирдарё тумани Қўлпансир ўрмон хўжалиги раҳбари Умарали Алиевга онаси...

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» бошқаруви, қасаба уюшмаси ва жамоаси «Пахта-банк»нинг банк тренингини маркази директори Гулчехра Қаримовага падари бузуқкори...

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонғаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

Тажриб хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Аxbорот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртга Г — 1115, 18120 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАНШРАБОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тажрибта ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6

У нарсани сизга беришган, ҳозир ҳам у сизга тегишли. Сиз уни ҳеч қачон бировга бермагансиз, лекин ундан барча танишларингиз фойдаланишадди. Айтишгечи, гап нима ҳақда кетяпти?

Жумбоқ Кечаги сондаги жумбоқнинг жавоби: Эверест, унинг юксаклиги қачон аниқлангандан қатъий назар, дунёда ҳамма вақт энг баланд тоғ бўлиб келган.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Хайрли қадам

Наманганда ишга туширилган «Она ва бола скрининг» тиббий маркази Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб номланган 2001 йилда амалга ошириладиган хайрли тадбирларнинг дебосчаси бўлди.

Вилоят марказининг «Шифокорлар шаҳарчаси» деб аталувчи «Гўзал» турар жой ҳаёсида барпо этилган янги саломатлик иншооти ҳаётимиз гултожи бўлган оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янги марказнинг мақсад ва вазифалари анча кенг. Бу ерда иш, аввало, хомиладор

аёлларни тиббий кўриқдан ўтказишдан бошланади. Улар ногирон ва турли ирсий касалликларга мойил болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида доимий назорат қилинади.

Ташхис ва даволаш тадбирларини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш имконияти яратилган марказнинг икки қаватли биносини қайта қуриш ва таъмирлаш учун 130 миллион сўмдан ортиқ маблағ

сарфланди. Марказда ўрнатилган энг замонавий ускуна ва жиҳозлар қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси эса наманганлик шифокорларга 130 миң АҚШ доллари қийматидаги «Дельфия» тиббий ускунасини совға қилишди.

Бундан бир неча кун аввал дастлабки беморларни қабул қилган «Она ва бола скрининг» тиббий марказида яратилган қулайликлардан ҳамма хурсанд.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРИНИНГ

МУДРИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНИЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Саноат дизайни; Саноат менежменти; Тоғ-кон ва геология қидирув ишларининг иқтисодиёти ва ташкил қилиш; Иқтисодиётда ахборот тизимлари; Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; Социология ва муҳандислик руҳинослиги; Фойдали қазилмаларни қидирув усуллари ва техникаси; Фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари; Геодезия ва маркшейдерия; Фойдали конларини қазиб олиш; Геология; Металлургия; Минералогия, петрография ва худудий геология; Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги; Гидрогеология ва муҳандислик геологияси; Ҳуқуқ асослари; Нефть ва газ конларини излаш ва қидирув; Нефть ва газ конлари геофизикаси; Нефть ва газ конларини ишлаш ва ишлатиш; Нефть ва газ конлари жиҳозлари ва машиналари; Фалсафа; Биотехнология; Электр станциялари; Электромеханика; Саноат иссиқлик энергетикаси; Иссиқлик электр станциялари; Электр таъминоти; Электр тизимлари ва тармоқлари; Назарий ва умумий электротехника; Ўзбекистон тарихи; Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш; Пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари; Ички ёнув двигателлари; Материалшунослик ва қуймакорлик; Совутгич, компрессор машиналари ва қурилмалари; Қишлоқ хўжалик машинасозлиги; Дехқончиликни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаш; Машиналарни лойиҳалаш асослари; Тракторлар ва автомобиллар; Автоматика ва телемеханика; Электрон ҳисоблаш машиналари; Радиотехника ва радиотизимлар; Физика материаллар технологияси ва электрон техника компонентлари; Саноат электроникаси; Метрология ва ўлчаш техникаси; Электрон ҳисоблаш воситаларини лойиҳалаш ва технологияси; Маънавият ва маърифат; 1-Олий математика; Умумий ва амалий физика; Экспериментал физика; Назарий механика; Информатика; Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси; Муҳандислик этикаси ва эстетика; Ўзбек тили; Жисмоний тарбия; Инглиз тили; Иқтисодий назария; Чет тили; Рус тили; Педагогика.

Аризаларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилади: 700095, Тошкент, Университетлар кўчаси, 2, ТДУнинг бош биноси, кадрлар бўлими, 416-хона.

Space CLASS METААЛОПЛАСТИКДАН ЭШИК ВА РОМ ТИЗИМАЛРИ. Чегирмаларнинг қулай усуллари. Немисча сифат кафолати. UCD Group. Тел.: 132-07-21, 132-07-14. E-mail: okna@ucd.uz. Манзил: С. Азимова К. 72а. http://www.ucd.uz